

**ЮРИДИК ВА ЮРИДИК МАҚОМГА ЭГА БҮЛМАГАН ТАДБИРКОР  
ИСТЕМЕЛЧИЛАР УЧУН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ**

2022 йил “10” 01

**ШАРТНОМАСИ**

02/62-сон

Отиориц  
T(Ш)ЭТК номи

Низом

асосида фаолият юритувчи

Отиориц ТЭТК орхоноды  
(туман(шахар) электр тармоқлари корхонасининг номи)

раҳбари Ж. Рахимов (кейинги ўринларда  
(туман(шахар) электр тармоқлари корхонаси раҳбарининг Ф.И.О.)

“Корхона” деб аталади) бир томондан ҳамда Низом асосида фаолият

юритувчи Отиориц Ҳамиджон Ахмадов (истеъмолчининг фоиззобор  
(истеъмолчининг номи)

раҳбари Ф. Жуфриев (кейинги ўринларда “Истеъмолчи” деб аталади),  
(истеъмолчи раҳбарининг Ф.И.О.)

хисоб рақами – 

3	0	0			
---	---	---	--	--	--

 иккинчи томондан мазкур  
шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар:

**I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

1. Ушбу электр таъминоти шартномасига (кейинги ўринларда - Шартнома деб аталади) мувофиқ, Корхона Истеъмолчига электр энергиясини (кейинги ўринларда - **Энергия** деб аталади) уланган тармоқ орқали етказиб бериш ва Истеъмолчи истеъмол қилинган энергия учун ўз вактида ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

**II. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ЭНЕРГИЯНИ ХИСОБГА ОЛИШ**

2.1. Энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми:

Актив 1000 кВт.с. реактив 1000 кVar.с

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг Шартнома тузилган кунидаги умумий нархи  
11500 000 сўмни, тариф(лар) бўйича

тариф туро: табакалаштирилган, бир ставкали ёки 08.11.2017 йилдан ПК-3379 тинг рўйхатида кўрсатилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун (кераклиси ёзилсан)

ташкил этади.

2.3. Истеъмолчига етказиб бериладиган энергиянинг ойлар кесимидағи йиллик ҳажми ушбу Шартномага 1-иловада келтирилган.

2.4. Истеъмолчи томонидан олинган энергиянинг ҳақ тўланадиган ҳақиқий миқдори ушбу Шартномага 2-иловада назарда тутилган хисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида аниқланади.

2.5. Истеъмолчиларнинг (маший истеъмолчилардан ташқари). Электр энергиясини хисобга олиш асбоболари, шунингдек электр энергиясини хисобга олишнинг бошқа воситалари истеъмолчининг маблағлари хисобига сотиб олинади, давлат қиёсловидан ўтказилади, худудий электр тармоқларикорхоналари томонидан Бюро билан хамкорликда бепул ўрнатилади, пломбаланади ва рўйхатдан ўтказилади.

**III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

3.1. Энергия учун хисоб-китоблар табакалаштирилган, бир ставкали ёки 2017 йил 8 ноябрдаги ПК-3379-сон қарорининг рўйхатида кўрсатилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун амалга оширилади.

3.2. Уланган куввати 750 кВА ва ундан ортиқ бўлган Истеъмолчи (бюджет ташкилотлари, сув таъминоти ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув иштимолчилари ўюшмаларининг насос станциялари, шунингдек Давлат бюджетидан молиялаштириладиган насос станциялари бундан мустасно) электр энергияси учун ҳисоб-китобларни сутка вақтларининг табақалаштирилган тариф бўйича амалга оширади.

Иштимол қилинган энергия учун табақалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китоблар: ярим тифиз пайт – сутканинг ёруғ вақтида (соат 9<sup>00</sup> дан 17<sup>00</sup> гача) – белгиланган тариф бўйича,

тифиз пайт – энг катта юкламали соатларда (ягона электр энергетика тизими нинг энг катта юкламали соатлари: эрталабки энг катта миқдор соат 6<sup>00</sup> дан 9<sup>00</sup> гача, кечки энг катта миқдор соат 17<sup>00</sup> дан 22<sup>00</sup> гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар миқдорда ўсувчи коэффициентни кўллаш орқали;

тунги пайт – сутканинг қоронги вақтида (энг кам юкламали соатларида: 22<sup>00</sup> дан 24<sup>00</sup> гача ва 00<sup>00</sup> дан 6<sup>00</sup> гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар камаювчи коэффициентни кўллаш орқали амалга оширилади.

Белгиланган тариф II-тариф гурухи бир ставкали иштимолчиларга қўлланиладиган тарифга тугри келади.

Табақалаштирилган тариф қўлланилмайдиган Иштимолчига нисбатан энергия учун ҳисоб-китобларда бир ставкали тариф қўлланилади.

Уланган куввати 750 кВА гача бўлган, электр энергиясини реализация килишда нархни шакллантиришнинг алоҳида тартиби белгиланадиган ташкилотлар рўйхатига киритилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи Иштимолчилар учун тўловлар Ҳукумат қарори билан белгиланадиган тарифлар бўйича амалга оширади.

3.3. Ушбу Шартнома бўйича Иштимолчи ва Корхона орасидаги ҳисоб-китоб даври бир ой ҳисобланади.

3.4. Иштимолчи ҳисоб-китоб даври тугагандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро бюросининг (кейинги ўринларда “Бюро” деб аталади) ваколатли вакили билан биргаликда ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олади ва ушбу Шартноманинг 5-иловасига мувофиқ шаклда энергия сарфи бўйича ҳисобот тузади.

Иштимолчи Корхонага энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги ҳисоботни ўз кўли билан, факсимил, электрон ёки почта алоқаси орқали ҳар ойнинг “ ” санасигача худудий электр тармоқлари корхонасига тақдим этади.

Бунда, уланган куввати 750 кВА ва ундан юқори бўлган тўловларни табақалаштирилган тарифда амалга оширадиган Иштимолчилар бўйича энергия сарфи бўйича ҳисоботда ишлатилган электр энергия (актив ва реактив) тўлиқ ҳажмидан ташқари тифиз, ярим тифиз ва тунги пайтларда фойдаланилган энергия ҳажмлари алоҳида ҳам кўрсатилиши шарт.

3.5. Тарифлар ўзгарганда Иштимолчи етказиб берилётган энергия учун янги тарифлар киритилган кундан бошлаб янги тарифлар бўйича ҳақ тўлайди.

3.6. Иштимолчига энергияни етказиб бериш келгуси ҳисоб-китоб даври бошланишидан олдин энергиянинг шартномавий миқдори қиймати учун олдиндан юз фоизлик (100%) ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади. Бунда, ҳисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириш хоҳишини билдирган иштимолчилар ҳисоб-китоб амалга ошириладиган даврни кўрсатиб, ҳисоб-китоб даври бошланишидан хамида 5 кун олдин билдирги тартибида Бюрога мурожаат килгандлари тақдирда 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида етказиб берилишига йўл қўйилади. Олдиндан ҳақ тўланмаган ҳамда 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаётган иштимолчилар томонидан ойнинг охиригача якуний ҳисоб-китоб амалга оширилмаган холларда мазкур иштимолчига нисбатан электр тармоқларидан тўлиқ узишгacha бўлган чоралар кўрилади.

3.7. Корхона истеъмолчининг энергия сарфи тўғрисидаги хисботи асосида белгиланган тартибда хисоб-китобни амалга оширади ва беш кун ичидаги тўлов амалга ошириш учун хисоб-фактура ва тўлов хисоб-варагини тақдим этади.

Истеъмолчи турли тариф гурухларига тегишли бўлган бир нечта обьектга эга бўлса, ҳар бир тариф гурухи учун тариф кўрсатилган ҳолда умумий хисоб-фактура тақдим этадилади

Корхона томонидан маҳсус дастурий маҳсулот орқали хисоб-фактура ва тўлов хисоб-варагини шакллантирилади ҳамда сотиб олуви чи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳолда электрон рақамли имзо билан тасдиқланиб, оператор орқали роуминг операторига юборилади.

(ACOS: ВМнинг 25.06.2019 йилдаги 522-сонли “ЎЗАРО ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТИЗИМИДА ЭЛЕКТРОН ШАКЛДАГИ ҲИСОБ ВАРАҚ-ФАКТУРАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ги карори)

3.8. Хисобга олиш прибори ушбу Шартномага З-иловага мувофиқ, электр тармоқларининг мансублик баланси бўйича фарқлаш далолатномаси ва томонларнинг эксплуатация жавобгарлиги асосида аниқланадиган электр тармоғининг мансублик баланси чегарасида ўрнатилмаганда, чегарадан хисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган участкада энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми Истеъмолчи билан биргаликда хисоблаш ўйли орқали аниқланади ва ушбу шартномага 4-иловага мувофиқ далолатномада кўрсатилади

Бунда, 750 кВА ва ундан юқори қувватга уланган, табақалаштирилган тарифда тўловларни амалга оширадиган Истеъмолчи учун энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми сутканинг тифиз, ярим тифиз ва тунги пайтлари учун алоҳида аниқланиб, мутаносиб равишда жами олинган электр ҳажмининг тегишли пайтларига тўлов ҳақини ёзиш учун кўшиб борилади. (6-, 7-иловаларни реактив қувватга эга ва технологик бронли истеъмолчилар тўлдиради)

3.9. Истеъмолчи энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги хисботни Шартномада кўрсатилган муддатда тақдим этмаган тақдирда, Корхона энергия истеъмолининг шартномада қайд этилган микдори бўйича ёки ўтган давр учун ҳақиқатдан истеъмол қилинган электр энергияси тўғрисидаги маълумотлар асосида тўлов хисоб-варагини ёзди ва Истеъмолчининг шахсий хисоб рақамида бу ҳақида тегишли белги кўйилади.

Бюро хисоблаш приборидан кўрсаткичларни назорат тартибида ёзib олгандан кейин, Корхона амалда истеъмол қилинган электр энергияси учун қайта хисоб-китобни белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.10. Бюро истеъмолчилар билан биргаликда истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги микдорини аниқлаш учун улардаги электр энергиясини хисобга олиш асбоблари (маиший истеъмолчилардан ташқари) кўрсаткичларини ҳар ойда ёзib олиши ва зарур бўлганда электр энергиясини хисобга олиш асбобларини улаш схемасини текшириб кўриши керак. Истеъмолчи томонидан электр энергияси сарфи тўғрисида худудий электр тармоқлари корхонаси ва Бюрга белгиланган шакл бўйича ўз кўли билан, факсимил.электрон ёки почта алоқаси орқали тақдим этилган хисбот юридик шахслар аниқлашади. Истеъмолчи томонидан электр энергиясининг амалдаги хажмини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат килади.

ЭҲНАТнинг жорий этилиши муносабати билан истеъмолчиларнинг хисобга олиш асбобларидаги кўрсаткичлар автоматлаштирилган тизимнинг техник параметрларига мувофиқ, бирор бир ойда камидаги бир марта ёки истеъмолчининг буюртмаси бўйича ёзib олиниади.

Худудий электр тармоқлари корхоналари истеъмолчиларнинг шахсий хисоб-рақам ва хисобга олиш асбобларининг ҳолати ҳақида батафсил маълумотлар доимий асосда

шакллантирилиши ва идораларо электрон ҳамкорлик қилиш тизимиға реал вақт режимида юборилишини таъминлайди.

3.11. Истеъмолчининг энергия хақини тўлаш, реактив энергия компенсацияси тарифга устамалар, шунингдек, хисобга олинмаган энергияни, (ноқонуний фойдаланилган электр энергияси) қайта хисоб-китоб ва пеня бўйича қарзи бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови хисобига ўтказилган маблағлари қарзини қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан хақ тўлаш) сифатида хисобга олинмайди.

Истеъмолчи томонидан шартномада кўрсатилган электр энергияси хажмини тўлиқ истеъмол қилмаган тақдирда, аванс тарикасида тўланган маблағлар қайтариб берилмайди ва электр энергия учун кейинги хисоб-китобларда хисобга олинади.

Хисоб-китоб ойидан кейинги календар ой тугагач қарздорлик тўлов муддати ўтган деб хисобланади ва тўлов муддати ўтган хар бир кун тўлов муддати ўтган сумманинг 0,1 фоизи миқдорида, электр энергияси маҳсус тартибда етказиб бериладиган корхоналар учун эса 0,2 фоиз миқдорида пеня хисобланади. Бунда пенянинг<sup>3</sup> умумий миқдори муддати ўтган қарздорликнинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Шартномада хисоб-китоб даври учун кўрсатилган энергия миқдордан 5 фоиздан ортиқ миқдорда энергия истеъмол қилганда, Истеъмолчидан Шартномада кўрсатилган миқдордан ортиқ ортиқ истеъмол қилинган энергияси жаъми хажми учун белгиланган тарифнинг 1,15 баравари миқдорида тўлов ундирилади.

3.12. Истеъмолчи ва Корхона ҳар ойда, хисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро хисоб-китобларнинг таққослаш далолатномасини тузади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сонли «Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган «Электр энергиясидан фойдаланиш Қоидалари»нинг 78-бандига биноан агар «Истеъмолчи» солиштирма далолатномасини имзолашдан бош тортса, Энергия таъминоти корхонаси қарзни ундириш учун шартномавий ҳажмдан келиб чиққан холда Истеъмолчининг банкдаги хисоб рақамига тўлов талабномасини қўйиш йўли оркали, ҳамда Узбекистон Республикаси Солик кодексининг 64-моддасига биноан бир томонлама расмийлаштирилган солиштирма далолатнома асосида «Бюро» томонидан қарздор истеъмолчининг кредитор қарздорлигини мажбурий ундирувга каратишига, шунингдек суд (судларга) ва давлат солиқ хизмати органларига тақдим этишга хақли.

3.13. Истеъмолчини қуидаги ҳолларда электр тармоқларидан узилади:

шартномавий мажбуриятлари бажарилмаганда;

хисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган энергия учун қарздорлик мавжуд бўлганда;

Бюро талабномалари бажарилмаганда, шу жумладан, унинг вакилларига хисобга олиш приборлари кўрсаткичларини олишга йўл қўйилмаганда;

Электр тармоқларига ноқонуний уланиш, уларни талон-торож қилиш ёки электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузишнинг бошқа холатлари аниқланганда;

Электр энергиясини хисобга олиш приборлари қасдан бузилганда, кўрсаткичларни ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашилганда;

Электр таъминот лойихаси ва техник шартлари мавжуд бўлмаганда;

Электр таъминот лойиха ва техник шартларга мос келмаганда.

3.14. Хисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта хисоб-китоб, Истеъмолчини қонун хужжатларида белгиланган тартибда Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

3.15. Истеъмолчи томонидан қоидабузарлик ҳолати бартараф этилиб, мавжу, қарздорлик ва тўлов пайтидаги энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдорида тўлов ундирилгандан сўнг тармоққа қайта уланади (ЭҲНАТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно).

3.16. Истеъмолчи электр тармоқларининг техник холатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолнилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўргасида тузилган алоҳида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий хажмидан олинадиган улушга мутаносиб равишда хақ тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига бериладиган электр энергияси тарифига қўшишга рухсат этилмайди.

3.17. Истеъмолчининг хисобга олиш прибори қўидаги текширувлардан ўтказилади:

а) даврий қиёслаш— ушбу турдаги хисобга олиш приборининг қиёсловдан ўтказиш оралиғи муддати тураганда;

б) навбатдан ташқари қиёслаш— хисобга олиш приборига зарар етказилганда, пломба бузилганда, қайта дастурлаш зарурати юзага келганда;

в) эксперт қиёслаш— хисобга олиш приборининг созлиги, унинг фойдаланишга яроқлиги, шунингдек, метрологик хусусиятларини норматив хужжатлар талабларига мослиги бўйича низоли масалалар юзага келганда;

3.18. Ҳисобга олиш приборини даврий қиёслашдан “Ўзстандарт” агентлиги томонидан белгиланган муддатда истеъмолчи хисобидан ўтказилади. Қиёсловдан ўтказиш оралиғи тўрт йилни ташкил этади.

3.19. Навбатдан ташқари ва эксперт қиёслашлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро бюроси ташаббуси билан ёки бошқа ваколатли орган қарорига асосан ўтказилади ва қиёслаш хизматлари корхона томонидан тўланади.

3.20. Истеъмолчи  $t_{g\phi}$  ни нормативдан ошишига йўл қўйса, корхона электр энергияни етказиш учун келиб чикувчи транспорт йўқотишларини қайта хисоб-китоб қилишга хақли, истеъмолчи эса уни тўлашга мажбур.

#### IV. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҶУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4. Истеъмолчи қўидаги ҳуҷуқларга эга:

4.1. Ўз электр курилмаларини Корхона электр тармоқларига техник шартларга мувофиқ улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ ўрнатилган тартибда электр энергиясини олиш;

электр энергияси етказиб беришнинг тўхталиши ёки тўхтатиб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

Корхонага истеъмол киладиган энергия ҳажмларининг ўзгартирилиши тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритиш. Бунда энергиянинг Шартномадаги ҳажмини ўзгартириш бўйича таклиф мўлжалланаётган ўзгартиришдан олдин 10 кундан кечикмай (жорий ой тугагунгача) берилиши лозим;

электр энергияси тўлиқ ҳажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган электр энергия етказиб берилиши оқибатида етказилган зарарни белгиланган тартибда қопланишини талаб қилиш;

Шартномани қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама тартибда бекор қилиш;

Шартнома бекор қилганда фойдаланилмаган энергия микдори учун тўланган маблагни қайтарилишини талаб қилиш;

энергия етказиб берилиши тўхтатилганда етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

электр таъминоти Шартномасини тузишида ва бажаришда юзага келаётган низоларни ҳал этиш учун судга, монополияга қарши давлат органига ёки бўйсунуви бўйича юкори органга (мансадбор шахсга) мурожаат қилиш.

Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуҷуқларга хам эга бўлиши мумкин.

4.2. Истеъмолчи қўидагиларга мажбур:

белгиланган энергия истеъмоли режимига риоя этиш;

фойдаланилган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

эксплуатация қиласетган электр тармоқлари, приборлар, электр қурилмаларининг зарур техник ҳолатини сақлаш, шунингдек, электр қурилмаларни эксплуатация қилишда ҳавфсизлик техникаси коидаларига риоя қилинишини таъминлаш, Корхонага электр ускуналарининг носозлиги тўғрисида хабар бериш:

электр энергиясидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

Электр таъминоти корхонаси томонидан белгиланган энергия истеъмоли чеклаш жадвалини бажариш;

Эгаллаб турган биносидан уни бериш, сотиш, ижарага расмийлаштириш ёки бошка сабабларга кўра кўчуб кетган тақдирда, у бу хакда электр таъминоти корхонасини ёзма равишида хабардор килиш;

ЭНХАТ (АИИСКУЭ) тизимини баркарор, доимий ищлаб туришини таъминлаш;

Энергетика тизимининг «Электр Хисоб» компьютер дастурига «Истеъмолчи»нинг бириктирилган телефон ракамига (богланиш нуктасига) «SMS» оркали юборилган хабарнома, огохлантириш хатларига ўз вактида муносабатларини билдириш ва зарурат холда дархол туман (шахар) электр таъминоти корхонасига аниқлик киритиш максадида маълум килиш;

Энергетика тизимининг «Электр Хисоб» компьютер дастурига «Истеъмолчи»нинг бириктирилган телефон ракамига (богланиш нуктаси), шунингдек бошка барча реквизитлари ўзгарган холда «Истеъмолчи» дархол электр таъминоти корхонасига хабар бериш;

(Узбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тугрисида) конун, Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 12.01.2018 йилги 22-сонли карори);

Бюро ва «Ўзэнергоинспекция» конуний кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш;

Электр қурилмаларининг тузилиши коидалари талабларини бажариш;

Бюро ва Корхона вакилининг хисобга олиш приборларини кўздан кечиришига белгиланган тартибда рухсат бериш;

Йил мобайнида янгидан ишга тушириладиган электр қурилмаларидан фойдаланиш бошланишидан камида бир ой олдин энергиянинг зарур микдори учун Корхонага буюртманома бериш;

келгуси йил учун энергияга бўлган эҳтиёжни аниқлашда энергияни электр тармоқларидан узатишида, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг (ишлар турларининг) технологик жараёни ишлаб чиқариш эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритиш, иситиш, шамоллатиш учун электр энергия сарфини, шунингдек, ушбу электр тармоқларига уланган субистеъмолчиларнинг эҳтиёжини хисобга олиш.

Шунингдек, 5 МВт ва ундан юқори бўлган кувватга уланган Истеъмолчи, Корхона талабига асосан кўйидаги маълумотларни тақдим этишга мажбур:

истеъмол қилинаётган кувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги микдори,

энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламали даврларида реактив энергия ва кувватнинг ҳар суткалик сарфи,

энергетика тизимининг энг кўп юкламасининг ўтиш даврида актив энергия (куват)нинг ҳар 30 дақиқадаги сарфи;

Истеъмолчи конун хужжатларига мувофик бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.3. Корхона кўйидаги хуқуқларга эга:

Истеъмолчидан Шартномада белгиланган ўз мажбуриятларини кўрсатилган дарожада бажарилишини талаб этиш;

ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда Истеъмолчи томонидан етказилган амалдаги зарарни белгиланган тартибда қоплатиш;

авария режимида, Бюрони хабардор килиб, Истеъмолчини электр тармоғидан узиб кўйиш;

Бюронинг кўрсатмасига асосан, ҳамда ЭҲНАТга уланган ёки энергияга олдиндан ҳақ тўлаш қурилмасига эга ҳисобга олиш прибори бўлган истеъмолчини олдиндан тўланган ҳақ тугаганда электр тармоқларидан узиш;

электр таъминот лойихаси ва техник шартлари мавжуд булмагандан, шартнома мажбуриятлари бажарилмагандан, электр таъминот лойиха ва техник шартларга мос келмагандан “Истеъмолчи”ни электр тармоқларидан узиш;

Корхона конунчиликка мувофик бошқа хуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Мазкур Шартномага асосан Истеъмолчини электр тармоқларидан узилгандан кейин юзага келган холат учун Корхона ва Бюро жавобгар бўлмайди.

#### 4.4. Корхона куйидагиларга мажбур:

Истеъмолчига энергияни электр тармоғи орқали электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик бўлинниш чегарасигача Шартномада кўрсатилган ҳажмда мунтазам етказиб бериш;

ускуналар, электр узатиш линияларини, ҳисобга олиш приборларидан фойдалашиб, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек, ўз электр хўжалиги обьектларидаги носозликларни бартараф қилиш;

электр хўжалиги обьектларини таъмирлаш билан боғлик электр таъминотидаги кутилаётган узилишлар тўгрисида уч кундан кечикмасдан «Истеъмолчи»нинг хабарлашиш нукталари оркали огоҳлантириш;

Истеъмолчини электр энергиясини етказиб берилиши тўхтатилиши ва тўхтатилиш сабаблари тўгрисида хабардор қилиш;

киритилаётган чеклашлар тўгрисида, чеклашларни ҳажми ва вақти кўрсатилган холда унинг хабарлашиш нукталари оркали олдиндан хабар бериш;

Электр тармоғи хўжалиги обьектларидаги аварияларнинг олдинни олиш ва бартараф этиш ёки одамларнинг хавфсизлигини таъминлаш ишлари билан боғлик кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни куриш зарур бўлганда, Истеъмолчи билан келишмасдан ва уни огоҳлантиримасдан энергия узатиши тўхтатиб қўйиш ёки чеклашлар киритиш;

Истеъмолчининг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофик, ўн кун муддатда электр энергиянинг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгартиришлар киритиш, электр энергиянинг ойлик шартномавий миқдорини кўпайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда – истеъмолчига бу ҳақда, рад этиш сабабини кўрсатгандан холда хабар қилиш;

Истеъмолчидаги ўрнатилган ҳисобга олиш приборларини алмаштириш, ўрнатиш ва техник хизмат кўрсатишни, шунингдек Бюро билан бирга пломбалашни таъминлаш; сифат кўрсаткичлари давлат стандартига мувофик бўлган электр энергиясини етказиб бериш.

Корхона конунчиликка мувофик бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

## V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Электр таъминоти шартномаси бўйича тарафлар Ўзбекистон Республикаси конунчилигига белгиланган тартибда жавобгар бўлади шунингдек, шартнома шартлари бажарилмаган ёки тегишли тарзда бажарилмаган ҳолларда, Корхона бунинг натижасида етказилган зарарни қоплашга, “Истеъмолчи” эса етказилган хақиқий зарарни қоплашга мажбур.

5.2. Корхона Истеъмолчи олдида моддий жавобгар бўлмайди агар:

Истеъмолчи электр энергияси истеъмолининг белгиланган режимига риоя қилмай, электр энергияси истеъмоли ёки қувватининг шартномавий миқдоридан ошиб кетишига йўл қўйганда, худудий электр тармоқлари корхонаси томонидан белгиланган электр энергияси чеклаш жадвали бажарилмагани туфайли паст сифатли электр энергияси етказиб

берилганилиги учун;

захира манбай автоматик ишга тушганда, автоматик қайта улаш ва автоматик тарзда частотани созлаш билан боғлик ўчиришлар вактида электр энергиясини етказиб бериш борасидаги танаффуслар учун;

ягона энергетика тизимида кувват танқислиги оқибатида келиб чикиши мүмкін бўлган аварияларни олдини олиш юзасидан тармоқларни автоматик тарзда (УОН, АЧР) ва бошқа ўчишлар хисобига содир бўлиб, энергия етказиб беришдаги танаффуслар юзага келганда;

Электр энергия таъминоти корхонаси ўзи билан боғлик бўлмаган вазиятлар оқибатида мавжуд бўлган чекланишлар киритилганда, «Электр курилмалари тузилиши Коидалари»нинг 1.2.18, 1.2.19 ва 1.2.20 – бандларига асосан истеъмолчилар томонидан электр таъминоти ишончлилиги тоифаси (категория)га тўгри келмаган (ложиха талабларини бажармаган)да ва “Миллий электр тармоқлари”АЖ томонидан кувват тақчиллиги юзага келиши натижасида, авария ҳавфи пайдо бўлганда, ҳамда чеклаш жадвалини жорий этиш имконияти бўлмаганда киритилган чекланишлар натижасида истеъмолчилардан киритилган даъво ва талаблари бўйича келиб чикадиган низолар бўйича Истеъмолчи олдида жавобгар бўлмайди.

5.3. Корхона Истеъмолчини Бюро кўрсатмасига асосан электр энергиясидан узилганда ёки енгиг бўлмайдиган табиий оғатлар ҳамда фавкулотда авария холатлари юзага келганда (форс-мажор) Истеъмолчи олдида жавобгар бўлмайди.

5.4. Мазкур шартномани бажариш жараёнида юзага келадиган барча келишмовчилик ва низолар музокара ўтказиш орқали ҳал қилинади. Келишмовчиликларни музокара ўтказиш орқали ҳал қилишнинг иложи бўлмаганда, улар суд тартибида ҳал қилинади.

## VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

6.1. Шартнома 20 22 йил 31 12 гача бўлган муддатга тузилади.

Шартномага киритилган ўзгаришлар жорий ойда кўлланилмайди ва кейинги ойдан кучга киради.

Шартноманинг амал қилиш муддати тугаганда, томонлардан бири уни узайтириш ёки бекор қилиш бўйича ариза бермаган бўлса, шартнома кейинги ҳар бир йилга узайтирилган хисобланади (Бюджет ташкилотлари бундан мустасно). Ариза ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати тугашидан бир ой олдин тақдим этилиши лозим.

6.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган ва томонларнинг ҳар бирида сақланадиган икки (Бюджет ташкилотлари учун уч) нусхада тузилади. Шартноманинг иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6.3. Томонларнинг бирини ташаббуси билан Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш, иккинчи томонни бекор қилиш муддатидан ўттиз кун олдин ҳабардор қилган холда ва томонлар ўзаро ҳисоб-китоб қилиши шарти билан бекор қилиниши мүмкін. Бекор қилиш тўғрисида ҳабарнома ёзма равишда юборилади.

6.4. Барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар фактат ёзма равишда амалга оширилиб, томонларнинг ваколатли шахслар томонидан имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

6.5. Мазкур шартнома талабларида назарда тутилмаган тартиб – қоидалар Вазирлар Махкамасининг 2018 - йил 12 - январда 22 -сон қарори билан тасдиқланган Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари ҳамда бошқа амалдаги норматив – хукукий хужжатлар талабларига мувофик тартибга солинади.

**VII. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ**

**ИСТЕМЛЧИ:**

Юридик манзили Фонд „Хизмати имзолидор“ сеънгага кечо таъзигчо

Хисобрақами 100048800030001084002

Банк коди (МФО) 00014 (ИНН) 100144861

Республика ва маҳаллий бюджетдан молиялаштирилдиган Истеъмолчилар учун:

Бюджет фондининг хисобрақами 100048800030001084002

Банк коди (МФО) 00014 (ИНН) 100144861

Бюджетдан ташқари фондининг хисобрақами

Банк коди (МФО) \_\_\_\_\_ (ИНН) \_\_\_\_\_

ҚҚС тўловчининг коди \_\_\_\_\_

Телефонлар; \_\_\_\_\_ Факс; \_\_\_\_\_

(Истеъмолчининг, шу жумладан раҳбарининг уяли, факс телефонлари коди б/н ёзилади)

Кадастр № : : : : : ; : : -

**Статистик кодлар:**

ОКЭД \_\_\_\_\_

СООГУ \_\_\_\_\_

СОАТО \_\_\_\_\_

КФС \_\_\_\_\_

КОПФ \_\_\_\_\_

ОКПО \_\_\_\_\_

**КОРХОНА:**

Почта манзили: О.Хакимов 38 уй

Хисобрақами: 2263 6000 2002 1528 9458

Банк коди: (МФО) 00494

(ИНН) 200 144 930

ҚҚС тўловчининг коди:

Телефонлар: (73) 432 16 25

**Статистик кодлар:**

СООГУ: 11170

СОАТО: 1730203

**Истеъмолчи:**



М.ў., имзо, давозими, Ф.И.О.

**Корхона:**



М.ў., имзо, давозими, Ф.И.О.

**ХУҚУҚШУНОС ХУЛОСАСИ:**

Мазкур электр энергиядан фойдаланиш шартномаси \_\_\_\_\_ хукукшуноси \_\_\_\_\_

Ф.И.О.

Ўз Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2018-йил 12-январдаги 22-сонлии карори талабларига мувофиқ тузилган  
Томонлар ўртасида мазкур шартномани тузиш учун Ўзбекистон Республикасининг конунчиллик талаблари жойи  
килмайди. Шартнома иштирокчиларининг хукук ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг Фукаролик кодекси  
ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фоалиятининг шартномавий хукукий базаси тўғрисидаги» конуни талабларига ёзбоб  
беради. Шартнома шартлари юзасидан келиб чикиши мумкин бўлган жавобгарлик масаласи томонлар ўртасида конуни  
келишишган. Шартнома юзасидан шартнома иштирокчилари ўртасидаги низони хал килиш тартиби белгиланган.

Хукукшунос:

(имзоси)

**Етказиб бериладиган энергия ҳажми**

1. Тариф гурухи \_\_\_\_\_
2. Фаолият тури БОЛОДОР СИХЕТГОҲӢ
3. "Истеъмолчи" электр курилмаларининг уланган қуввати: \_\_\_\_\_ кВА (кВт)
4. Техник шарт бўйича рухсат берилган қувват \_\_\_\_\_ кВт
5. Электр таъминоти ишончлилиги бўйича тоифаси (лойиха бўйича) \_\_\_\_\_
6. Ҳисоб-китоб тури: ДІЛОНГТКҶИШ НУҲЛИ Б-Н

тариф тури: табакалаштирилган, бир ставкали ёки 08.11.2017 йилдан ПК-3379 нинг руйхатида кўрсатилган махсулот  
ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар (кераклиги ёзилсин)

	Энергия ҳажми минг. кВт.с	Шу жумладан, тариф гурухлари бўйича			
<b>Йил, жами</b>					
Январ	3333				
Феврал	3335				
Март	3334 / 1000.0				
Апрел					
Май					
Июн					
Июл					
Август					
Сентябр					
Октябр					
Ноябр					
Декабр					

Ташкилот кунига ишлайди 24 соат, ойга 30 кун

Умумий юкга нисбатдан сменалар бўйича юкланиш % I   , II   , III   

Истеъмолчи



*Бешод Фазодидин  
БЕШОД ФАЗОДИНИ  
ИМЗО, Ф.И.Ш., сана)*

Корхона



М.ў (Имзо, Ф.И.Ш., сана)

Электр таъминотининг шартномасига  
2 - илова

**Энергияни хисобга олиш приборлари ўрнатилган жойлар ва уларнинг тавсифлари**

“Истемолчи”нинг (суб“Истемолчи”нин г) хисобга олиш прибори ўрнатилган жойлар, тури ва кучланиш тоифаси (кВ) кўрсатилган холда	Хисобга олиш прибори тури (актив), (номинал токи)	Хисобга олиш прибори раками	Хисобга олиш прибори клемма копкогидаги пломбанинг раками	Ўлчов трансформатор- ларининг трансформация коэффициенти	Хисоб-китоб коэффициенти	Хисобга олиш приборининг Шартнома тузилган кундаги кўрсаткича ри хисоблагич кўрсаткичи	Тариф тури сум/ 1 кВт.с.
220. В.	05	0535262		400	400	14667	400

Имзолар:

Истемолчи:

М. Ўзбекистон Республикаси  
Фарзандлар министри  
Саноат министри  
М. Ў. (Имзо)

Корхона:

М. Ў. (Имзо)

Электр таъминотининг шартномасига  
3 - илова

**Томонлар электр тармокларининг баланс мансублиги  
ва эксплуатация қилиш бўйича масъуллик чегараси**

**ДАЛОЛАТНОМАСИ**

*Изоҳ; Хар-бир эл.хисоблагичга алоҳида 3- ва 4-иловалар тузилади*

Хисоблагич № \_\_\_\_\_ т/ток \_\_\_\_\_ кучланиши. \_\_\_\_\_ кофициент. \_\_\_\_\_ уланган куввати \_\_\_\_\_ квт.  
Хисоблагичдан уланган манзил; \_\_\_\_\_ шахар, кфий, мфий, кучча уйлә

1. Тариф гурухи \_\_\_\_\_ Фаолият тури

*Труба шил.чик, Шлакоблок, Гиши, Пленка шил.чик, Акфа чехи, Насос, Савдо, Кафе, Ошхона, Устахона ва...???*

1. “Истеъмолчи”нинг балансида кўйидаги электр курилмалар мавжуд:

a) хаво линиялари \_\_\_\_\_

b) кабель линиялари \_\_\_\_\_

c) подстанциялар, трансформатор подстанциялари ТП № \_\_\_\_\_, \_\_\_\_\_ кВА

2. Истеъмолчи ва Корхона ўртасидаги электр тармокларининг баланс бўйича мансублик чегараси \_\_\_\_\_

3. Улардан кўйидагиларга:

a) \_\_\_\_\_

хизмат кўрсатиш Истеъмолчи ходимлари томонидан,

b) \_\_\_\_\_

Истеъмолчи билан тузилган “**техник хизмат кўрсатии**” № \_\_\_\_\_ сана \_\_\_\_\_ й. шартномаси асосида электр таъминоти корхонаси ходимлари томонидан хизмат кўрсатилади. “**Техник хизмат кўрсатии шартномаси тузмаси Т(Ш)ЭТК томонидан хизмат кўрсатилмайди**”

4. Электр курилмаларнинг ҳолати ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича жавобгарлик чегараси қўйидагича белгиланди: \_\_\_\_\_



Истеъмолчи

М.ў.

Корхона

М.ў.



(имзо)

(имзо)

Вакиллар:

*Ф.И.Ш. Мурзалиев*  
(Ф.И.Ш.)

(Ф.И.Ш.)

**Энергияни йўқолишларини аниқлаш бўйича  
ДАЛОЛАТНОМА**

Энергия хисобга олиш приборлари электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармоқларининг баланс бўйича мансублиги чегараси хисобга олинган ҳолда мансублик чегарасидан хисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган кисми хисоблаш йўли билан аниқланади ва қўйдагиларга хисобланади:

а) Қуввати \_\_\_\_\_ кВА бўлган трансформаторлардаги ойлик актив энергиянинг йўқолишлари \_\_\_\_\_ кВт.соат ёки \_\_\_\_\_ %, реактив энергия йўқолишлари \_\_\_\_\_ кВАр.соат ёки \_\_\_\_\_ % ташкил этади;

б) Истеъмолчининг кабель линияларидағи ҳар ойлик энергияни йўқотиши:

Узунлиги \_\_\_\_\_ м;

Кесим юзаси \_\_\_\_\_ мм<sup>2</sup>;

Русуми \_\_\_\_\_;

Кучланиши \_\_\_\_\_ кВ бўлса, \_\_\_\_\_ кВт.соатни, ёки \_\_\_\_\_ % ташкил этади;

в) Истеъмолчининг ҳаво линияларидағи ҳар ойлик энергия йўқолишлари:

Узунлиги \_\_\_\_\_ м;

Кесим юзаси \_\_\_\_\_ мм<sup>2</sup>;

Русуми \_\_\_\_\_;

Кучланиши \_\_\_\_\_ кВ бўлса, \_\_\_\_\_ кВт.соатни, ёки \_\_\_\_\_ % ташкил этади.


Ушбу Шартноманинг 3.8 бандига асосан юқорида кўрсатилган энергия йўқолишлари Истеъмолчининг ҳар хисоб-китоб даври учун, хисоб-китоб давридаги амалдаги энергия истеъмолидан ва 1-иловада кўрсатилган ишлаш тартибидан аниқланади.

Корхонанинг электр тармоқлари ва уйларнинг ички электр тармоқларининг бўлиниш чегарасидан умумий мулк хисобланадиган ушбу тармоқлардан таъминланадиган майший истеъмолчиларнинг электр энергиясини хисобга олиш асбобларигача бўлган электр тармоқларидаги электр энергияси йўқотишлари хисоб-китоб қилиш йўли билан аниқланади ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари ёки коммунал-эксплуатация ташкилотлари истеъмолига қаратилади

**Имзолар:**

**Истеъмолчи:**

М.Ў. (Имзо)



**Корхона:**

М.Ў. (Имзо)



**Энергия (актив, реактив) сарфи бўйича  
ХИСОБОТ**

20 \_\_\_\_ йил \_\_\_\_\_ ойи бўйича

Кўрсаткичлар қайд этилган сана « \_\_\_\_ » 20 \_\_\_\_ йил.

Уланган жой номи, хисобга олиш приборининг завод раками, хисобга олиш тури (актив, реактив)	Хисоб-китоб коэффициенти			Хисобга олиш прибори кўрсаткичлари		Хисобга олиш прибори курсаткичларининг фарки	Сарф кВт.с., кВАр.с.	Табакалаштирилган тариф бўйича сарф кВт.с.					
	ток трансфор-маторининг (ТТ)	кучла-ниш транс-форматорининг (КТ)	уму-мий	бошланғич	охирги			Эрта-лабки тигиз вакт	Кун	Кечки тигиз вакт	Тун		
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
Жами													

Изоҳ: гр 7= гр 6- гр 5, табакалаштирилган хисоб учун назорат раками гр 7= гр 9+гр10+гр11+гр12+гр13  
гр 8 = гр 7\*гр 4

**Истеъмолчи раҳбари**

**МИБ вакили**

Ф.И.Ш.имзоси

Ф.И.Ш.имзоси

M.Y

Корхона энергетики

Ф. И. Ш.имзоси

### Компенсация қурилмаларининг ишлаш режими

#### 1. Компенсация қурилмаларининг белгиланган қуввати

Т/р №	Компенсация қурилмаларининг турлари	Қуввати	Уланиш вақти		Жами
			Эрталаб	Кечкүрун	
1.	Конденсаторлар, кВАр 1000 Вгача 1000 Вдан юкори, жумладан:				
1.1.	Автоматик бошқариладиган: 1000 Вгача 1000 Вдан юкори,				
1.2.	Кўлда бошқариладиган: 1000 Вгача 1000 Вдан юкори,				
2.	Синхрон двигателлар - (СД), кВт				
3.	СДнинг реактив қуввати, кВар (СДнинг ўрнатилган қувватининг 30 фоизи, кВт)				
4.	Жами (1б.+3б.) кВАр: 1000 Вгача 1000 Вдан юкори.				

ИЗОХ: авторежимда ишлайдиган конденсатор қурилмалари билан жиҳозланган ташкилотлар уланиши вақтларини тўлдириши шарт эмас.

## 2. Реактив энергиянинг иқтисодий микдори

Йил, ой	Реактив энергиянинг иқтисодий микдори (кВАр.соат)	Шу жумладан тариф гурухлари бўйича		
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				

Реактив энергиянинг ҳар бир хисобот даври учун иқтисодий киймати, ушбу Шартномада кўрсатилган ва ўрнатилган тартибда аникланадиган кувват коэффициентининг оптимал микдори хисобга олиниб, ушбу давр учун актив энергиянинг шартномадаги микдоридан келиб чиккан холда аникланади.

Хисобот даврининг якуни бўйича реактив энергия иқтисодий кийматининг амалдаги микдори истеммол килинган актив энергия ва кувват коэффициентининг шартномавий микдоридан келиб чиккан холда аникланади. Тарифга устама кўшилган киймат солиги хисобга олинмаган холда фаол энергиянинг амалдаги тарифи бўйича:

5% - реактив энергиядан иқтисодий киймат доирасида фойдаланилганда, бу амалда истеммол килинган актив энергия ва кувват коэффициентининг шартномавий микдоридан келиб чиккан холда аникланади;

10 % - реактив энергиядан иқтисодий киймат микдоридан ортик фойдаланилганда, бу амалда истеммол килинган актив энергия ва кувват коэффициентининг шартномавий микдоридан келиб чиккан холда аникланади;

Реактив энергия компенсацияси учун электр энергияси тарифига устамалар жарима санкцияси хисобланмайди ва электр таъминоти шартномасига асоссан ундирилади.

Реактив энергия ўрни етарлича тўлдирилмаслиги хисобига кувват коэффициентининг норматив киймати Истеммолчи томонидан кўллаб-кувватланмаслиги аникланганда, худудий электр тармоклари корхонаси томонидан конун хужжатларида белгиланган тартибда актив электр энергия йўқолиши кийматининг техник-иқтисодий хисоб-китоблари амалга оширилади, шунингдек, кувват коэффициенти кўрсаткичлари белгиланган нормативларга нисбатан пасайтирилганлиги учун Истеммолчилардан кўшимча маблағлар ундирилади.

Бунда хисоб-китоблар ва кўшимча маблағни ундириш хисоб-китоб даврида Шартномада кўрсатилганига Истеммолчи томонидан кувват коэффициентининг амалдаги кийматини пасайтиришга йўл нисбатан Истеммолчи томонидан кувват коэффициентининг амалдаги кийматини пасайтиришга йўл кўйилганлиги тўгрисида "Ўзэнергоинспекция"нинг тасдикови бўлганда амалга оширилади.

Тариф чегирмалар истеммолчи ягона электр тизими тармогида электр тармогининг катта юкламали соатларida реактив энергия ҳосил килганда ва электр тармогининг кичик юкламали соатларida энергия тизими тармогидан реактив энергия истеммол килинганда, агар Истеммолчининг бундай режимида ишлаш зарурати Шартномада кўрсатилган бўлса, тақдим этилади.

Чегирма кўшилган киймат солиги хисобга олинмаган холда актив энергия учун амалдаги тарифнинг 15% микдорида белгиланади.

**Истеммолчи:**

\_\_\_\_\_  
(Имзо)

М.Ў.

**Корхона:**

\_\_\_\_\_  
(Имзо)

М.Ў.



Электр таъминотининг шартномасига

7 - илэва

**Авариявий ва технологик бронни аниқлаш бүйича  
ДАЛОЛАТНОМА**

Истеъмолчининг

иштирокида тузилди.

Ягона электр энергетикаси тизимида узок муддатли ёки киска муддатли қувват танқислиги юзага келгандай Истеъмолчи куйидагиларни бажариши керак:

1. Ускуна юкламасини технологик брон даражасигача пасайтириш:

T/p №	Технологик бронига тааллукли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишда қолдирилган юкламалар қуввати (кВт)	Изоҳ
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: \_\_\_\_\_ кВт

\*а) Барча цехлар ва агрегатлар зудлик билан ўчирлади. Ўчирилиши яроқсиз маҳсулот ишилаб чиқарилиши, ускунанинг бузилиши, портлаш, ёнгин, заҳарланиши ва бошқа баҳтсиз ҳодисаларга олиб келувчи цехлар ва агрегатлар бундан мустасно.

б) Технологик бронга шунингдек авария бронига тааллукли цехлар ва агрегатлар ҳам киради (2-бандга қаранг.)

Технологик бронни чеклаш босқичлари:

I босқич \_\_\_\_\_ кВт

II босқич \_\_\_\_\_ кВт

III босқич \_\_\_\_\_ кВт

IV босқич \_\_\_\_\_ кВт

2. \_\_\_\_\_ ўтганидан кейин цехлар ва агрегатлар авария брони даражасигача узиб куйлади.

T/p №	Авария бронига тааллукли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишда қолдирилган юкламалар қуввати (кВт)	Изоҳ
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: \_\_\_\_\_ кВт

\* а) Ўчирилиши сув таъминоти, алоқа воситалари ишининг тўхтасига, иситиш тизимининг музлаб қолишига олиб келувчи цехлар ва агрегатлар, ҳамда қўриқлаши ёритгичлари юкланиши остида қолдирилади.

б) Ёнгинга қарши захира насослар ва бошқа ёнгинга қарши агрегатлар авария бронига кирмайди (ушбу агрегатлар, заруратга қараб, олдиндан Корхона билан келишилган ҳолда рўйхатга киритилиши мумкин).

Имзолар:

Истеъмолчи:   
 (Имзо) 

Корхона:

М. Ў. (Имзо) 